

ХДП

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№19, 2023-йил
24-май,
chorshanba (32.765)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi



Сингапур Президенти Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди

Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Яқуб 23 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Сингапур Президенти Ҳалима Яқуб дастлаб "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қахрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида – Мустақиллик монументи ҳақида Президент Ҳалима Яқубга сўзлаб берилди. Ўз навбатида олий мартабали меҳмон "Янги Ўзбекистон" боғи, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Шу ўринда энг юқори қисмида Ҳумо қуши тасвирланган мажмуа ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. У 2021 йил истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Унда мамлакатимизнинг қадим ва бой тарихи, бугунги кун билан боғлиқ энг муҳим воқеалар акс этади. Буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари эса қалбларга ғурур бағишлайди.

Шу ерда Сингапур Президенти Ўзбекистонда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар вакиллари билан ҳам учрашди.

Сингапур раҳбарининг ташрифи дастурида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Саммит кун тартибидан конструктив сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, икки мамлакат етакчи компания ва банк институтлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига кўмаклашиш, маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Президент Ҳалима Яқуб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, юртимиздаги диний конфессиялар раҳбарлари билан ҳам учрашди, ишбилармон доиралар бизнес-форумининг очилишида ва қўшма таълим маркази фаолиятининг тақдиротида иштирок этади.

Бундан ташқари, Сингапур Президенти Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган ушбу кўҳна марказнинг бой маданий-тарихий ва цивилизациявий мероси билан танишади.

Сингапур Президенти Ҳалима Яқубнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



Замира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Навоий
вилоят кенгаши раиси
ўринбосари:

– Айни кунларда Президентлик сайловида Халқ демократик партияси томонидан илгари сурилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида имзо йиғиш жараёнлари қизгин давом этмоқда.

Вилоятимизнинг туман ва шаҳарлари бўйлаб фуқаролар гавжум бўлган гузарларда, бозорларда шундай тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу жараёнлар сайлов қонунчилиги, Сайлов кодекси асосида очиқ ва шаффоф тарзда ўтказилмоқда. Бунда партияимиз фаоллари, аъзолари, фахрийлари, айниқса, ёшлар ўз фаоллигини кўрсатмоқда.

Мен битта ҳақиқатга ишонаман. Ҳар бир инсон ўз мустақил фикрини билдириши, ўзи эмин-эркин қарор қабул қилиши жуда муҳим. Сабаби, сайловда давлатнинг, халқимизнинг келажаги, эртаси ҳақида янгидан-янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан бўлажак номзодни қўллаш бўйича имзо йиғиш жараёнлари ҳудудларда қизгин давом этмоқда.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ УЧУН ЎҚУВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Жорий йилнинг 22 май куни Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси асосида округ комиссиялари аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда округ сайлов комиссиялари олдидаги асосий вазифалар мавзусида ўқув-амалий машғулот ташкил этилди.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг профессор-ўқитувчиларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан олиб борилган ўқув-машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 42 нафар округ комиссияларининг раиси, раис ўринбосари ва котибидан иборат аъзолари иштирок этди.

Ўқув машғулотларининг мақсади – сайлов ўтказувчи округ комиссияла-

ри аъзоларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги асосий вазифалари, сайлов жараёнларини умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига риоя этилган ҳолда, Сайлов кодекси талаблари асосида, уюшқоқлик билан ташкил этишдаги кўникмаларини оширишдан иборат бўлди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, сайлов календарь режасининг ўзига хос хусусиятлари, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва ушбу рўйхатлар билан ишлашда округ сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, овоз бериш кунига тайёргарлик, округ сайлов комиссиясининг сайлов жараёни иштирокчилари билан ҳамкорлиги, округ сайлов комиссиялар фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов округи бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш каби мавзулар муҳокама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари ва участкалари учун биноларни танлаш, овоз бериш хоналарини жиҳозлашга қўйилган талаблар юзасидан амалий машғулотлар ўтказилди.

Назарий ва амалий машғулотлардан иборат ўқув-машғулотнинг якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

**Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати.**

САЙЛОВ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

2 САҲИФА

ДУНЁ УЧУН МУҲИМ УЧ САММИТ

4 САҲИФА

ЭЪТИБОРЛИЛАРГА РАҲМАТ!

7 САҲИФА



ИЖТИМОЙ ҲАМЖОРА ҚУРИЛИШИ МУМКИНМИ?

8 САҲИФА

SIYOSAT

САЙЛОВ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ
ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Улуғбек ВАФАЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига жадал суратлар билан тайёргарлик кўриломоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу муҳим сиёсий тадбирда ўзининг сиёсий позициясини намойиш этиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг жо-

рий йилнинг 11 май кундаги қарори билан партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки бўйича 7 та йўналиш, 37 банддан иборат асосий тадбирларнинг календарь режаси тасдиқланди.

Бундан ташқари, партия Марказий Кенгашининг қарори билан партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги фаол иштирок этишини таъминлаш, сайлов жараёнларининг барча босқичларини самарали ташкил этиш ҳамда фаолиятни тизимли мувофиқлаштириб бориш мақсадида сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, экспертлар, депутатлар, партия фаоллари ва партия фахрийларидан иборат партия марказий сайлов штаби таркиби тасдиқланиб, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Партиянинг жорий йил 12 май куни бўлиб ўтган VII пленуми қарори, шунингдек, Сайлов кодексининг 63-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига Президент сайловида партиянинг иштирок этиши юзасидан 12 май куни расман ариза билан мурожаат этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод сифатида Халқ демократик партиясидан Иноят Улуғбек Илясовичнинг маълумотлари тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 15 майдаги 1255-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига расман ижозат берилди.

➤ **Партияга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, республикадаги умумий сайловчилар сонининг 6,0 фоизи ҳисобидан, 10 241 дона имзо варақа бланкалари топширилди. Бу партияга 224 558 нафар сайловчининг имзоларини тўплаш имкониятини беради.**

Сайлов кодексининг 64-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишнинг аниқ тартиби ва талаблари белгилаб берилган.

Ундаги энг асосий талаблардан бири бу — Ўзбекистон Республикасидаги умумий сайловчиларнинг бир фоизи сиёсий партия томонидан кўрсатиладиган номзоднинг сайловда иштирок этишини ёқлаб, ўз имзосини кўйиб бериши лозим.

Марказий сайлов комиссиясининг 13 майдаги 1248-сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи

тузилди. Мамлакатимиздаги умумий сайловчиларнинг сони — 19 миллион 414 минг 914 нафар, деб белгиланди.

Партияга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, республикадаги умумий сайловчилар сонининг 6,0 фоизи ҳисобидан, 10 241 дона имзо варақа бланкалари топширилди. Бу партияга 224 558 нафар сайловчининг имзоларини тўплаш имкониятини беради.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ, сиёсий партия битта маъмурий-ҳудудий тузилмада умумий имзолар сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкинлиги қатъий белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, сайловчилар сони, ҳудуднинг жойлашуви ҳамда партиянинг жойлардаги тарафдорлари қамровини эътиборга олиб, партиядан Президентликка бўлажак номзодни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғиш (тўплаш) юзасидан тақсимот режаси ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 16 май кундан жойларда сайловчиларнинг имзоларини тўплаш ишлари бошланди. Сайловчилар имзоларини тўплаш ишларида партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгаши раҳбар ва масъул ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этмоқда.

2023 йил 22 май кунги ҳолатига кўра, 199 минг 64 та сайловчининг имзолари тўпланди. Бу 88,6 фоизни ташкил қилмоқда. Яна 25 минг 498 та

имзо тўпланиши лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Уставининг 6.1-бандига мувофиқ, партиянинг олий раҳбар органи Қурултой ҳисобланади. Партия Уставага мувофиқ, Қурултой партия Марказий Кенгаши (пленум) томонидан беш йил ичида камида бир марта чақирилади.

Қурултой делегатлари партия Марказий Кенгаши пленуми тасдиқлаган вакиллик меъёри ва делегатлар сайлаш тартибига мувофиқ минтақавий партия ташкилотларидан сайланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг 2023 йил 12 май куни бўлиб ўтган VII пленумида, партиянинг XIII Қурултойига делегатларни сайлашнинг вакиллик меъёри Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан тенг миқдорда — 7 нафар делегат, жами 98 нафар делегат этиб белгиланди.

2023 йил 15-17 май кунлари Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Пленумларда 563 мингдан зиёд партия аъзолари номидан партиянинг XIII Қурултойида иштирок этадиган, номзод кўрсатиш масаласи бўйича овоз бериш ваколати ва ҳуқуқига эга бўлган 98 нафар делегат сайланди.

Шунингдек, пленумларда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг сайловдаги муносиб иштирокига оид масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИЛМОҚДА

Фирдавс ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:

— Барчамизга маълумки, жорий йилда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтади.

Партиямиз мазкур сайловда фаол иштирок этишини биринчилардан бўлиб маълум қилди ҳамда сайловга тайёргарлик жараёнларини бошлади.

Жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтадиган мазкур сайлов аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз ғоя ва мақсадларини амалга оширишга интилиши кучайган, сайловчиларнинг сиёсий тафаккури юксалган. Айниқса, ёшлар ижтимоий ҳаётида фаоллик кўрсатмоқда.

Ҳар қандай сиёсий партия сайлов кампаниясига киришар экан, ўзининг дастурий ғоя ва мақсадларини замон билан ҳамнафас такомиллаштириб боради. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу сайловга режалари бор. Партиямиз сайлов кампаниясига киришар экан, ўзининг ғоявий ва дастурий ҳужжатлари, тарғибот воситаларини партия фаолларининг таклифлари асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз аввалги сайловдаги дастурларини таҳлил қилдик, ғояларимизнинг асосий қисми амалга ошмоқда, қонунлар қабул қилинди, кўплаб ўзгаришлар бўлди. Шу сабабли уларга янги нақша назардан разм солдик.

Сайловдаги дастури лойиҳасини тайёрлашда илмий доиралар ва партия фаоллари, депутатларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари билан очиқ мулоқот ва муҳокама ўтказилиб, янги нақша амалга оширилди ҳамда таклифлар ўрганилмоқда.

Бугунги кунда партиянинг қўйи бўғинлари фаолиятини кучайтириш, аъзолар сафини кенгайтириш, аҳолининг муаммолари ва уларни ташвишга солаётган масалаларни қўйи тизимга таъминлаш бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайловдаги жараёнларига қаралса, номзод ўз дастурини эълон қилганидан сўнг, унинг тарғиботига киришилади. Жойларда жамоат-

чилик суҳбатлари, учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланиш асосий масалага айланади.

Шу маънода, партиямиздан илгари сурилган номзод сайловдаги штабда иш қизгин олиб борилмоқда. Хусусан, сайловга партиямиз янгиланган стратегия ва дастури билан кириб келмоқда. Мазкур стратегияни амалга ошириш учун алоҳида медиа гуруҳ, жойларда аҳоли вакилларига номзод дастурининг устувор масалаларини тушунтириш бўйича тарғибот гуруҳлари ҳамда волонтерлар жамоалари шакллантирилди. Умуман олганда, сайловдаги тарғиботи жараёнларига пухта тайёргарлик олиб борилмоқда.

Тарғибот гуруҳлари ҳамда партияни қўллаб-қувватловчи волонтерлар гуруҳлари махсус тренингларда ўқитилмоқда. Партия ходимлари ва фаоллари янги ташкилий-ҳуқуқий шароитларда сайловдаги ташвиқотини амалга ошириш учун зарур кўникмаларга эга бўлмоқда.

Медиа гуруҳ жараёнга масъулият билан ёндашган, тарғибот тадбирлари, турли ёндашувларни амалга ошириш режалаштирилган. Номзод ҳақида автобиографик мазмунда видеоролик ва инфографикалар тайёрланмоқда. Жамоат жойларида мақсадли ижтимоий ва сиёсий тарғибот тадбирлари, учрашувлар ва бошқа оммавий тадбирлар амалга ошириш режа-жадваллари ишлаб чиқилмоқда.

Сайловдаги ташвиқотига старт берилгач, Халқ демократик партияси қатор тарғибот лойиҳаларини амалга оширишга киришади. Хусусан, бу галги тарғибот жараёнларига партия фаоллари ишжозат билан киришишган.

Аъзоларимизни кўпайтириш учун партиямизнинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари мунтазам ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказмоқда.

Партиямиз, шунингдек, номзод ва унинг ишончли вакилларининг ҳар бир маҳалла, қорхона ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш объектларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш бўйича "йўл харитаси"ни белгилаб олган.

Бунда, мулоқотларни номзод вилоят марказларида, ишончли вакиллар эса ҳар бир ҳудудда амалга оширади. Тарғибот воситаларининг яна бир самарали усулларидан бири — бу партия рамзи, номзоднинг фотосурати ҳамда партиянинг сайловдаги бош шиори акс этган ташқи реклама воситаларидан фойдаланиш. Партия тарғиботнинг ушбу усулидан самарали фойдаланади. Хусусан, республиканинг барча туман ва шаҳар марказий кўчалари, бозорлар атрофида ҳамда одам гавжум бўладиган ҳудудларга баннерлар ва билбордларни жойлаштириш, электрон мониторларга роликлар жойлаштириш, плакатлар ва тарқатма материалларни тарқатиш одамлар эътиборини тортади, албатта. Фақат бунда ноҳадий шакллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Юртимиз бўйича автобус ва метро бекатларида, бозорлар ва савдо марказларида, автотурагоҳ ва катта йўл ёқаларида, жамоат транспортларида партиянинг кўнгиллилар гуруҳлари ва фаоллари ёрдамида партия рамзи, номзоднинг фотосурати ҳамда партиянинг сайловдаги бош шиори акс этган материалларни тарқатиш масаласи ҳам эътиборда бўлади.

Партиямиз сайловга тайёргарлик жараёнларида қонунга мувофиқ равишда барча имкониятлардан самарали фойдаланади.

САЙЛОВ БУ МАМЛАКАТНИНГ, ХАЛҚНИНГ ЯҚИН КЕЛАЖАКДАГИ ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ЖУДА КАТТА СИЁСИЙ ЖАРАЁН. ХАЛҚИМИЗ САЙЛОВДА ҚАЙСИ ҒОЯЛАРГА ОВОЗ БЕРСА, ЎША ҒОЯЛАР УЛАРНИНГ ҲАЁТИДА БУГУНГИ КУННИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ ЭКАНЛИГИНИ ҲАМ КЎРСАТАДИ. ШУНИНГ УЧУН САЙЛОВ ФИКРЛАР, ҚАРАШЛАР, ҒОЯЛАР РАҚОБАТИ ЁРДАМИДА ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИДИР.

ШУ МАЪНОДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДОЛЗАРБ ЖАРАЁН ҲИСОБЛАНАДИ.

БЎЛҒУСИ НОМЗОД
ДАСТУРИГА ТАКЛИФЛАР
ОЛИНМОҚДА

Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон республика
кенгаши раиси:

— Ҳар бир сиёсий партия шу юртининг, шу элнинг қорига яраш, оғирини энгил қилишни ўз олдига мақсад қилган. Фақатгина улар ўз позицияларидан келиб чиқиб, яъни электроти манфаатларини инобатга олган ҳолда ўз сайловдаги дастурларини ишлаб чиқади. Партиялараро рақобат аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган бир шароитда ўсиб бормоқда.

Қорақалпоғистонда ҳам барча туман ва шаҳарлардаги партиямиз кенгашлари, бошланғич ташкилотларимиз, фаолларимиз сайлов билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий жараёнларни қизгин давом эттирмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг пленумида партиямизнинг Президент сайловда иштирок этиши билан боғлиқ масалалар пленум аъзолари фикр-мулоҳазалари асосида атрофлича кўриб чиқилди.

Пленум кун тартибига партиямиз

ташкilotи ва гуруҳларининг сайловда муносиб иштироки ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қурултойига Қорақалпоғистон республика партия ташкilotидан делегатларни сайлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон республикасининг барча ҳудудларида партиямиздан кўрсатилаётган номзод учун имзолар йиғиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Жараён Қорақалпоғистон республикасининг барча шаҳар ва туман кенгашлари, 650 дан зиёд бошланғич партия ташкilotларида аъзолар, хайрихоҳларимизнинг фаол иштирокида ўтмоқда. Шунингдек, партиямизнинг 100 дан ортиқ депутатлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Жойларда ташкиллаштирилаётган имзо йиғиш жараёнларида фуқароларнинг фаоллиги йилдан-йилга ошиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Имзо йиғиш сайлов қонунчилигига биноан ўтаётгани билан бирга, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш имкониятини кўрсатмоқда.

Партиямиздан бўлажак номзоднинг сайловдаги дастурини шакллантириш бўйича жойларда учрашув ва мулоқот тадбирларида қатор таклифлар партиямиз дастурий мақсадларига, электротимиз ҳуқуқ ва манфаатларига мос экани, кучли ижтимоий сиёсат масалаларига бевосита тааллуқли экани фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий хабардорлиги ва талабчанлиги ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Асосийси, фуқароларимизда ғоя ва ташаббусларнинг моҳиятини англаш ва ўзлари учун алтернативлар излаш кўникмаси борган сари чуқурроқ илди отаётгани сезилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон республикасининг аъзолари сайловга тайёргарлик ишларини бундан кейинги босқичларда ҳам қизгин давом эттиради.



ҚУРУЛТОЙГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ҳудудий партия кенгаши ва депутатлик бирлашмаларининг фаоллигини ошириш, ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Пленумда барча партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг сайловга тайёргарлик жараёнларида муносиб иштирокини таъминлаш, партиянинг Қурултойига Тошкент вилоятдан муносиб делегатларни сайлаш тўғрисидаги масала атрофида муҳокама қилинди. Кун тартибдаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.



ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда сайловда муносиб иштирок этиш ҳамда Халқ демократик партияси Қурултойига делегатлар сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Иштирокчилар сиёсий партиялар учун яратиб берилган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, партиянинг дастурий мақсад ҳамда ғояларини тарғиб қилиш кераклигини таъкидлади. Партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб иштирокини таъминлаш юзасидан вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Пленумда таъкидланганидек, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови Ватанимизнинг янги тарихида ғоят муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ. Шу муносабат билан сайловга энг юксак ташкилий-ҳуқуқий ва моддий техник даражада

тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга мувофиқ ҳолда очик-ошкора ва адолатли ўтказиш катта аҳамият касб этади.

Буларнинг барчаси муддатидан илгари Президент сайловида иштирок этишга қарор қилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайлов кампаниясида фаолликни кучайтиришдан ташқари, Президентликка кўрсатилган номзоднинг ўз сайловолди дастурини янада юксак сиёсий даражага кўтаришда партия фаолларининг ҳамжиҳатлигини талаб этади.

Пленум иштирокчилари томонидан партия ташкилотларининг сайлов жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш борасида бир қатор ташкилий ва мафкуравий йўналишда тақлифлар билдирилди.

Тақлиф ва тавсияларни инobatга олган ҳолда, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши пленуми тегишли қарорларни қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қурултойида қатнашиш учун Жиззах вилоятдан 7 нафар делегат сайланди.

Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати.

НОМЗОДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, ИМЗО ЙИГИШ ЖАРАЁНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хабарингиз бор, жорий йилнинг **9 июлида** мамлакатимизда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади. Халқ демократик партияси мазкур сайловда ўз номзоди билан фаол қатнашади.

Шунга кўра, Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси

Термиз шаҳар кенгаши томонидан имзо йиғиш ишлари қизгин кечмоқда. Фуқаролар ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалаш имкониятидан фойдаланиб, бу жараёнда фаол иштирок этмоқдалар.

Халқ демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан ҳам партиядан илгари сурилган номзодни қўллаш бўйича имзо йиғиш ишлари олиб борилмоқда.

Имзо йиғиш жараёнида фуқаролар, аҳолининг турли қатлами вакиллари партия ғоялари, ташаббуслари билан яқиндан танишган ҳолда, жараёнда фаол қатнашмоқда.

Қоидага мувофиқ, сайловда иштирок этишига рухсат берилган сиёсий партиядан кўрсатилган



» **Имзо йиғиш жараёнида фуқаролар, аҳолининг турли қатлами вакиллари партия ғоялари, ташаббуслари билан яқиндан танишган ҳолда, жараёнда фаол қатнашмоқда.**



номзодни қўллаб-қувватлаб, сайловчилар умумий сонининг камида бир фоизи имзоси тўпланиши керак.

Халқ демократик партиясининг бошланғич партия ташкилотлари томонидан Президентлик сайлови учун ўз номзодига имзо йиғиш жараёни давом этмоқда.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг ҳудудлар бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақалари Марказий сайлов

комиссиясига топширилади ҳамда уларнинг тўғри тўлдирилганлиги беш кунлик муддатда текшириб чиқилади.

Маълумот учун, Сайлов кодексининг 38-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича сиёсий партия ўзининг ваколатли вакили рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан кейин сайловчиларнинг имзосини тўплашга ҳақли.

Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади.

Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо йиғиш жараёнлари соат **9:00** дан **18:00** гача давом этади.

Ўзбекистон ХДП
Ахборот хизмати.



ҲАМКОРЛИК



ДУНЁ УЧУН МУҲИМ УЧ САММИТ

ЎТГАН ҲАФТА ДАВОМИДА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ДУНЁ АҲАМИЯТИГА МОЛИК, ҲАММАНИНГ НИГОҲИ ҚАДАЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ, “КАТТА ЕТТИЛИК” НОМИНИ ОЛГАН G7 ВА АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ САММИТЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. НОМИДАН МАЪЛУМКИ, УЧАЛА ТАДБИРДА ҲАМ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЕТАКЧИЛАРИ ҚАТНАШДИ ВА ШУНИСИ БИЛАН ҲАМ ҲАММАНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛДИ. УШБУ САММИТЛАР КУН ТАРТИБИДА НИМА МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНГАНИ, САММИТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИНИ ҚИСҚАЧА ЁРИТИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК.

БИРИНЧИ САММИТ

Ер юзиде шундай бир макон, худуд борки, у ердаги халқларни, давлатларни бир-биридан айро, бир-биридан узилган ҳолда тасаввур қилиш мушкул. Бу худуд Марказий Осие, деб номланади. Бу ерда истиқомат қилувчи халқларнинг ўзаро алоқалари минг-минг йилликларга бориб тақалади. Бир-бирини сўзсиз тушунадиган, бир-бирини тўлдирадиган, маданий, диний ва лингвистик жиҳатдан деярли фарқланмайдиган бундай минтақалар дунёда кам.

Йиллар давомида уларнинг бир мақсад йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилишига, минтақа тақдирини ўз ўрнида бирлаштиришга айрим омиллар қаршилик қилди. Лекин кейинги йилларда Марказий Осие интеграцияси йўлида яқдиллик билан дадил қадамлар ташланаётганига бутун олам гувоҳ бўляпти.

Минтақа давлатларининг келажаги ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун ҳам биз халқро майдонда йирик давлатларнинг минтақадаги бириккита эмас, балки, бутун Марказий Осие билан мулоқот форматларига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Кунни кеча 18-19 май кунни Хитой Халқ Республикасининг Сиань шаҳрида ҳам Марказий

Осие – Хитой давлат раҳбарларининг биринчи саммити бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари йиғилишиди. Икки кун давом этган йиғилишнинг айнан Сианьда ташкил этилиши рамзий маънога ҳам эгадир, балки. Чунки, асрлар давомида Шарқ билан Ғарбни боғлаб келган, халқлар ўртасида маданият алмашишга, уларнинг узоғини яқин қилишга беназир ҳисса қўшган Буюк ипак йўли айнан Сианьдан бошланган.

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Ван Венбин “Хитой – Марказий Осие” саммити Хитой ва Марказий Осие давлатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини маълум қилганди. Саммитнинг аҳамиятини Хитой Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари Син Ганг ҳам таъкидлади. Вазир бўлажак тадбирини 2023 йилнинг энг йирик дипломатик тадбирларидан бири сифатида баҳолади.

Дарҳақиқат, май ойидаги саммит 2023 йилда Хитой мезбонлик қиладиган биринчи йирик дипломатик тадбир, шунингдек, 31 йил аввал дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери

олти давлат раҳбарлари ўтказган биринчи юз-ма-юз саммит бўлди.

Дарвоқе, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойидаги иқтисодий кўрсаткичлар Хитой ва Марказий Осие ўртасидаги савдо алоқалари сезиларли даражада ошганидан дарак бермоқда. Шундай қилиб, 2023 йилнинг январь-апрель ойларидаги статистикалар Хитой ва беш республика ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 37 фоиздан кўпроқ ўсганини кўрсатганди.

Демак, юқоридеги таърифларга ҳам, йиғилишнинг ташкил этилишига ҳам асослар етарли.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осие мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳамда халқро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида минтақа равнақи учун муҳим ва долзарб бўлган бир қатор масалаларга ургу берди. Жумладан, минтақа мамлакатлари 2030 йилгача Хитой билан товар айланмаси ҳажмини икки баробар ошириш, бунга биринчи навбатда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришнинг мутаносиб ўсишини таъминлаш, самарали савдо-логистика инфраструктуралари ва замонавий улгуржи-тақсимлаш тармоқларини шакллантириш, “яшил” ва экспорт-йўлақлар тизимини жорий этиш, электрон тижоратнинг умумий платформасини яратиш ҳисобидан эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “ақл марказлари”нинг биргаликдаги фаолиятини ривожлантириш, таълим, маданий-маърифий соҳаларда ҳам ҳамкорликни кенгайтиришни

таклиф қилди. Сиань декларациясининг асосий бандларини қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Саммит тадбирлари яқунлангач, мамлакатларимизнинг дўстлиги, яхши қўшничилиги, тараққиёт ва равнақ сари муштарак интилишлари рамзи сифатида биргаликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Қўшма баёнотни имзолаб, 2023-2027 йилларга мўлжалланган янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастурини қабул қилдилар.

Етакчилар ҳузурда қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро кўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баёнот;

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ўрта таълим мактаблари салоҳиятини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим;

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Божхона кўмитаси билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида ваколатли иқтисодий операторлар дастурларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишув;

– Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида устувор инвестиция лойиҳаларини илгари суриш бўйича англашув меморандуми;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Матбуот канцелярияси ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

– “EXEED” компанияси билан биргаликда замонавий автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисида;

– “BYD Auto Industry” компанияси билан биргаликда электр ва гибрид автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисида;

– “Ўзбекистон миллий банки” АЖ билан “Хитой Эксим банки” ўртасида кредит линияларини жалб қилиш тўғрисида;

– “Ўзбекистон миллий банки” АЖ билан “Хитой тараққиёт давлат банки” ўртасида кредит линияларини жалб қилиш тўғрисида муҳим келишувларга эришилди.

Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган жами 41 та ҳужжат имзоланди.

Марказий Осие ва Хитой муносабатларида янги давр бошланаётганига гувоҳ бўляпмиз.

КАТТА ЕТТИЛИК



21 май кунни Япониянинг Хиросима шаҳрида “катта еттилик” давлатларининг 49-саммити ўтказилди. Унда АҚШ, Канада, Германия, Франция, Япония, Италия ва Буюк Британия расмийлари қатнашишди. Меҳмон сифатида Европа Иттифоқидан вакил ҳамда Япония Бош вазирининг тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти ҳам иштирок этди.

Саммит доирасида асосан Украина инқирози атрофидаги масалаларга кўпроқ эътибор қаратилди. Бунинг саммитда Украина Президенти Владимир Зеленскийнинг иштирокидан ҳам англаш мумкин эди.

Япония Бош вазири Фумио Кисиданинг йиғилишдаги нутқининг асосий жиҳатларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Саммит ўтказиладиган жой сифатида айнан Хиросиманинг танланиши рамзий маънога эга. Чунки инсоният тарихидаги биринчи ва ягона атом бомбасининг синови айнан шу шаҳарда амалга оширилган. Ядро қуроли олиб келиши мумкин бўлган қиргинбарот ва фожееани ўз бошидан кечирган япон халқи вакили сифатида саммитга мезбонлик қилган Фумио Кисида бундай даҳшатни инсоният бошқа кўрмас-

лиги кераклигини ва ядро қуролидан холи дунёни идеал дунё, деб атади.

У, шунингдек, Хиросиманинг машъум ўтмиши дунёда барқарорлик ва глобал тартиб бузилган тақдирда нима содир бўлиши мумкинлиги ҳақида эслатма бўлиб хизмат қилмоғи лозим ва бу эслатмага бугун дунё яқин йн йилликлар ичида ҳар қачонгидан-да муҳтожлигини таъкидлади.

Жаноб Кисида нутқида Хиросима Ҳаракат режасида белгиланган ядро қуролидан холи дунё шiori остида амалий ишларни устувор вазифа этиб белгилашни илгари сурди.

Режа ядровий энергияни ҳарбий мақсадларда ишлатмаслик муҳимлигини тан олишни, шаффофликни таъминлаш, глобал ядровий чиқиндиларни камайтириш, ядровий қуролларни тарқатмаслик ва ядровий энергиядан тинч мақсадларда фойдаланиш, ядро қуролига эга давлатлар раҳбарларининг Нагасаки ва Хиросимага ташрифларини уюштириш орқали тушунтириш ишлари олиб бориш каби тақлифлардан иборат.

Саммитнинг ўзига хос, биз учун муҳим бўлган жиҳати унда G7 давлатлари минтақавий муаммоларни ҳал қилишда Марказий Осие билан ҳамкорлик қилиш ниятида экани қўшма баёнотда маълум қилинди. Улар

минтақа билан савдо ва энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш, транспорт соҳасидаги лойиҳаларни, жумладан, Транскаспий халқро транспорт йўналишини қўллаб-қувватлаш ниятлари борлигини таъкидлашди.

Очиги, G7 етакчиларининг мазкур баёноти кўпчилик учун қутилмаган юриш бўлди. Чунки, G7 саммити билан деярли бир вақтда Марказий Осий – Хитой мулоқот учрашуви бўлиб ўтганди. Геосиёсий жиҳатдан жуда муҳим саналадиган Марказий Осие билан алоқаларни мустаҳкамлаш, қолаверса, Хитойнинг минтақада таъсири ошиб кетишидан хавотир ҳам уларни бунга ундагандир.

Бу Марказий Осий учун нафақат янги қақурув, шу билан бирга, имкониятдир. Улар Транскаспий халқро транспорт йўлагини қўллаб-қувватлашни очик-ойдин маълум қилишди. Демак, бу минтақамизнинг ғарбга чиқиши учун яна бир алтернатив вариант. Танлаш имкони мавжуд бўлган вазиятда қарорлар тўғрилиги, уларни солиштириш, муҳокама қилиш имкони бўлади.

Балки, ғарбнинг алтернатив бериши минтақа тараққиёти кейинги босқичга кўтарилиши учун “Puzzle”нинг охириги қисмларидан биридир.

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ

Яқин Шарқ минтақасидаги инқирозларни ҳал қилиш учун 19 май кунни араб мамлакатларининг 32-саммити Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтди. Араб давлатлари лигаси 1945 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда 22 давлат аъзо ҳисобланади. Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг умумий сони 460 млн.дан ортиқ ва ЯИМ аҳоли жон бошига ўртача 6,5 минг доллардан ошқроқдан тўғри келади.

Бу галги саммитнинг бир неча ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Энг муҳим жиҳат, бу, албатта, 12 йиллик танаффусдан сўнг Суриянинг ташкилотдаги фаолияти қайта тикланиши бўлди. 2011 йил Сурияда бошланган фуқаролар уруши уни ташкилотдан четлатилишига олиб келганди.

Лекин кейинги йиллардаги халқро майдонда бўлаётган ўзгаришлар араб давлатларини ҳам минтақа билан боғлиқ таъсири сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

Ташкилотнинг энг йирик давлатларидан бири саналган Саудия Арабистони бутун бошли араб дунёсини ўз атрофида жипслатиришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг Эрон билан муносабатларнинг тикланишида ва Суриянинг ташкилотга қайтарилишида ҳам кўриш мумкин.

Қисқача айтганда, араб давлатлари етакчилари Суриядаги инқирозиларга барҳам бериб, унинг бирлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини сақлаб қолиш ва уни араб муҳитига қайтаришга қаратилган сиёсий ечим қидиришди. Ниҳоят, Суриядаги инқирозларга барҳам беришда араб давлатларининг роли муҳим экан-

нини англаган, араб давлатлари ташқи ишлар вазирлари Сурияни Араб Давлатлари Лигасидаги ўрнига қайтаришга қарор қилишди.

Саммитнинг яна бир ўзига хос жиҳати Украина Президентининг ташриф буюриши бўлди.

Саудия Арабистони Россия — Украина инқирози бўйича бетарафлик позициясини ўзгаришга мажбур қилди. Зеленский эса Қиролликнинг бетарафлик позициясини ва инқирозни бартараф этишдаги саъй-ҳаракатларини қадрлашни айтиб ўтган.

Шунингдек, ташкилот аъзоси бўлган Судан инқирозини бартараф этиш ва Фаластин инқирозини ҳал қилиш, Исроилнинг ноқонуний амалиётини қоралаш борасидаги қатъий позициясини тасдиқлашга ҳисса қўшиш ва бу икки тамойил асосида адолатли ва кенг қамровли тинчликка эришиш кўзланган. Халқро қонунийлик резолюцияларига мувофиқ пойтахти Шаркий Қуддус бўлган мустақил ва суверен Фаластин давлатини ўзиде мужассам этган давлат қурилишини қўллаб-қувватлаш ҳам саммитда асосий масалалардан бўлган.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчимиз, Яқин Шарқ минтақасидаги можароларга осонликча ечим топиш қийин. Йиғилишни БАА вакиллари эрта тарқ этганлиги айтилди. Бу ҳам балки, улар орасида ҳали ҳам етарлича жипслик йўқлигини кўрсатаётгандир. Аммо бу саммит минтақа тинчлиги учун ташланган ижобий қадамлардан биридир. Саммит келгусида минтақада улкан ўзгаришларга умид бағишлайди. Биз ҳам Яқин шарқда тинчлик ўрнатилишига умид қиламиз.

ОАВ материаллари асосида Аҳмад Қурбонов тайёрлади.

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИАТДИР



Теран фикрли ёшлар жамиятни уйғотувчи кучдир. Фикр фикрни уйғотати. Холис бахслар ва мулоқотлар натижасида тўғри фикр қолиб чиқади ва устуворлик касб этади. Ёшлар жасоратлидир, чунки улар янгилик яратишга мойил. Ёшлар парламенти институти эса ана шу мақсадга тўла-тўқис жавоб беради.

Жамиятни ижрочилар эмас, балки воқеликни тўлиқ идрок этиб, ўзини субъект сифатида тутта оладиган ва жамият манфаатлари йўлида миллий элита бўлиб хизмат қилишни хоҳлайдиган ижодкор инсонлар тараққиётга етаклайди.

Қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва жавобгарлик мажбуриятини назарда тутувчи Ёшлар парламенти мансаб ё имтиёз эмас, балки бошқа инсонларга, Ватанига ва халқига хизмат қилиш имкониятидир.

Ёшлар парламенти аъзоларига берилган имконият келгусида билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга имкон беради. Ёшлар учун шахсий намуна сўздан кўра қучлироқ таъсирга эга бўлиб, ўз Ватанига муҳаббат ва ғурур туйғуси билан тўлиб-тошган инсонлар шундай таъсир кучига эга. Келгуси парламент сайловларининг ҳақиқий рақобатчилари, сиёсий иммунитет шакланган сиёсий авлодлари учун бугунги кун Ёшлар парламенти уйдир вакиллари ҳисобланади.

Ёшлар эзгу фазилатларга мувофиқ ҳаёт кечирши, ҳаракат қилиши ва қувониши керак. Олий фазилатлар умиди асосидагина ёшлар бутун вужуди билан ишга шўнғиши мумкин.

Ҳар қандай соҳадаги билим ва кўникмаларни маълум вақт ичида ўзлаштириш мумкин. Ёшлар парламенти аъзоларининг етук кадр сифатида шаклланиши ва келажақда муҳим жараёнлардаги иштироки малака эмас, балки шахсий фазилатлар, ундан келиб чиқадиган мотивация, улар билан биргаликдаги ҳақиқий муносабатлар ва мулоқот, ишонч ва ҳурмат белгилаб беради.

Ёшлар парламенти ёшларнинг расмиётчилик асосидаги иштироки учун платформа сифатида фойдаланилиши эмас, балки уларнинг интилишини қўллаб-қувватлайдиган институт бўлиши жуда муҳим. Бу институт ёшлар ва давлатнинг конструктив мулоқот учун имкониятларини кенгайтириш, қарорларни қабул қилиш жараёнига ёшларни жалб қилиш учун янада самаралироқ платформага асос бўлади.

Шохруҳ ЎКТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорлик масалалари кўмитаси раиси.

МАҚСАД ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ бўлиши керак

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликни аниқлашда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун яқка тартибдаги профилактик суҳбат энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Профилактика инспектори суҳбатни расмий оғохлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирлар орқали амалга оширади.

Шахсга нисбатан яқка тартибдаги профилактика ва профилактик суҳбат ишини олиб бориш бир йил мобайнида амалга оширилади.

Инспекторлар профилактика суҳбатини маъмурий ҳудудда хизмат олиб бориш вақтида ғайриижтимоий хулқ-атворига эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида амалга оширади.

Суҳбат жараёнида профилактика (катта) инспектори «ишонтириш усулининг устуворлиги», «таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш» тамойилларига қатъий риоя қилиши керак.

Профилактика (катта) инспектори профилактик суҳбат ва профилактик ҳисоб ишини юритиш чоғида қуйидагиларни амалга оширади:

профилактик ҳисобга олинган шахсни ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттирмаслик ҳақида оғохлантиради; унинг иш (ўқиш) ва яшаш жойини текширади, хулқ-атвори ҳақида маълумотлар олади;

барча чора-тадбирларни белгиланган таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш тамойилига қатъий амал қилган ҳолда олиб боради;

жазони ижро этиш муассасасида бўшатишга шахсларнинг оиласига, шунингдек, жамиятга мослашишида кўмак беради;

ҳисобга олинган шахсни ўқиш ёки ишга жойлаштирилишида, шунингдек, вақтинча яшаш жойи билан таъминланишида, ижтимоий ҳаётга мослашиши учун моддий кўмак олишида ёрдам кўрсатади;

профилактик ҳисобдаги шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш жараёнида шахслардан ахлоқан тузала бошлаганларини рағбатлантириш, аксинча, ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттирган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда мажбурият чораларини қўллаиди.

Яқка тартибдаги суҳбатни профилактика олиб борилаётган шахсларнинг қизиқиши, характери, темпераменти, дунёқараши, жамиятга, ижтимоий муносабатларга, умуминсоний, миллий ёки диний қадриятларга нисбатан муносабатига, орзу-истакларига асосланиб ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак бўлади.

Яқка тартибдаги профилактик суҳбатнинг қуйидаги таъсир усуллари мавжуд:

- ишонтириш, рағбатлантириш,

мажбурият.

Ишонтириш – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи. Тарбиялаш-ишонтиришдир. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади.

Рағбатлантириш – профилактик таъсирнинг муҳим методларидан бўлиб, шахсининг ижобий қарашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустақамлашга хизмат қилади. Ундан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишдан ва жиноий ниётлардан қайтаришдан иборат.

Мажбурият – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсирнинг ёрдамчи, истисно тарихасидаги усулидир. У фақат бошқа усуллар самара бермаганда қўлланилади.

Суҳбат ўтказувчи хоним профилактика қилаётган шахсининг аввалги ва ҳозирги ҳаёти, ижобий ва салбий томонлари, унинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда режа тузиб, уни қачон, қаерда ўтказишни белгилаб олиши шарт. Асосий талаблардан бири профилактика қилинаётган шахс билан доимий равишда уни ўтказиб боришни таъминлашдир. Суҳбат мавзуси профилактика қилинаётган шахснинг хулқ-атвори, ижобий қарашлари, иш ва ўқишдаги натижалари ҳақида бўлиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, шахсни тарбиялашда ички ишлар органларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

Шохруҳ АБДУҲАЛИМОВ, Ички ишлар вазирлиги академияси учинчи бошқич тингловчиси.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

КАМБАҒАЛЛИК КАМАЙМОҚДА

Бу ҳақда пойтахтимизда "Камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни татбиқ этиш" II Халқаро форумида айтилди
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва БМТ Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмағида ташкил этилган Халқаро форумда иқтисодчи олимлар, БМТ, БМТТД, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, UNICEF, Осиё тараққиёт банки, FTA, GIZ каби халқаро ташкилотларнинг жами 200 дан ортиқ делегат, шу жумладан, камбағалликка қарши курашиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари иштирок этиди.

Ушбу халқаро форумдан кўзланган мақсад камбағалликка қарши курашиш бўйича илғор тажрибаси ва усулларини ўрганиш, камбағалликка барҳам беришга комплекс ёндашиш, ижтимоий ҳимоя ва манзилли ёрдамга алоҳида эътибор қаратган ҳолда амалга ошириладиган қўшма тадқиқотлар учун устувор йўналишларни шакллантириш бўлди. Шу билан бирга, инсон капиталини ривожлантириш орқали меҳнат бозорига ўқитиш дастурлари сифатини ошириш, кичик қорхоналарнинг ўсишини қўллаб-қувватлаш, юқори сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Форум очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Равшан Гулямов давлатимиз раҳбарининг форум иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, форумда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлари ва эришилган натижалари ҳақида маълумот берди.

– Ўзбекистонда камбағаллик даражаси муттасил равишда камайиб борапти, – дейди Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров. – Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизгача камайди. Бугунги кунга келиб 2 миллион одам ижтимоий нафақа оляпти. Бу камбағалликка қарши курашнинг самарали йўли бўлиши мумкин, аммо ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан камбағалликни қисқартиришга эриша олмаимиз.



Жаҳон банки билан биргаликда ҳамкорлигимизнинг энг катта йўналиши инсон капиталини ривожлантириш ҳисобланади. Биринчи ўринда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Шунингдек, камбағалликка қарши курашишнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим ва соғлиқни сақлашдир. **Форумга келган хорижлик ва қўшни давлатлардаги мутахассислар бизга камбағалликка қарши курашиш борасида белгиланган асосий йўналишларини нима билан иборат, деб савол беришди.**

Биринчиси, қишлоқ хўжалигида унмдорликни ошириш, қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш. Биринчи марта Давлат раҳбари ташаббуси билан биз ер майдонларини одамларга 30 йиллик ижарага беряпмиз. Шу тариқа қишлоқ хўжалигида ижобий ўзгаришларга эришамиз.

Иккинчи йўналиш қишлоқ ҳудудларида санаяти ривожлантириш ҳисобланади.

Учинчиси, инфраструктуранинг ривожлантириш – бир жойдан иккинчи жойга товарларни етказиб беришни тезлаштириш, одамларнинг мобиллигини ошириш учун ҳаракат қилиш. Шу билан бирга, одамларни ичимлик суви ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш. Бунда яшил технологиялардан кенг фойдаланиш.

Тўртинчи йўналиш урбанизация жараёнидир. Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси қарийб 50

фоизни ташкил қилади. Бу – катта кўрсаткич. 50 фоизлик урбанизация даражаси билан камбағалликни қандай барқарор равишда камайтириш мумкин, деган савол берилиши табиийдир. Шу боисдан урбанизация энг муҳим йўналишлардан биридир.

Биз сўз билан айтганда, ижтимоий нафақаларни бериш орқали камбағаллик камайган бўлса, бу биринчи марта аёллар ўртасидаги камбағалликни қисқартиришга қаратилди. Яъни, боласи борлигига қараб оналарга ижтимоий нафақа бериляпти. Яна бир масалани айтмоқчиманки, ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан камбағалликни қисқартиришга эриша олмаимиз. **Камбағалликни қисқартириш ҳукуматдаги ҳамма вазирликларнинг асосий масаласига айланса, ана шунда биз камбағалликни қисқартиришда барқарор натижаларга эришишга муваффақ бўламиз.**

Шунингдек, форумда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Бехзод Мусаев камбағаллик жамият учун долзарб муаммо эканини таъкидлади.

– Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича глобал масалаларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш ва ҳамкорлик яратиш доирасида илғор экспертлар, хорижий ташкилотлар ҳамда мамлакатларга платформа бўлаётганлиги катта шараф, – дейди вазир Бехзод Мусаев. – Маълумки, 2022 йил Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Камбағалликни қисқартириш биринчи халқаро форуми доирасида долзарб масалалар ва илғор тажрибалар

бўйича муҳокама қилинган, бир қатор янги келишувлар ва ҳамкорлик учун янги асослар яратилган. Уйлайманки, бу гал ҳам барчамиз глобал камбағалликни қисқартириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ўз ҳиссамизни қўшамиз. Эътиборли жиҳати, ўтган йилда аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаганимиз натижасида мамлакатдаги камбағаллик даражаси 2,9 фоизга камайиб, бугунги кунда 14,1 фоизни ташкил этмоқда (2021 йилда 17 фоиз). Бу эса Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат йўналиши тўғри танланганлигини аниқлатади.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Абхижит Банержи форумда сўзга чиқиб, бугун шу ерда туриб, Ўзбекистондаги ўзгаришлар руҳини ҳис қилаётганини ва "келинг, буни қилайлик", дея олишидан фахрланишини таъкидлади. Шу билан бирга, у турли мақсадли аудиториялар учун муаммоларга турли ечимлар зарурлиги, таълим тизими қандай тузилгани – буларнинг бари мураккаб вазифадир. Лекин мен Ўзбекистоннинг ўз намунаси билан бошқа мамлакатларга камбағалликка қарши қандай курашиш кераклигини кўрсатаётганидан мамнунман, деди.

Экспертнинг таъкидлашича, дунё ҳукуматлари коронавирус пандемиясига жавобан ижтимоий ҳимоя дастурларини кучайтирмоқда, хусусан, бугунги кунга қадар 3856 га яқин дастур режалаштирилган ёки амалга оширилган.

Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлинка, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган воситалар жуда муҳим. Гап мақсадли аудиторияни тўғри аниқлаш, уларга нима кераклиги, уларни қандай қўллаб-қувватлаш кераклиги, қандай ажратиб олиш зарурлиги, энг камбағаллар ва дастлабки ёрдамга муҳтожларни аниқлаш ва х.к.лар ҳақида кетмоқда. Шунингдек, Нобель мукофоти лауреати Ўзбекистонда далилларга асосланган тадқиқотлар ўтказиш мумкин бўлган йўналишларни ҳам айтиб ўтди.

Халқаро форум доирасида иштирокчилар ривожланаётган мамлакатларда тўпланган тажрибани янада оммалаштириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон эришган ютуқларнинг усуллари ва натижаларини, жумладан, уларнинг самарадорлигини кўриб чиқиш, ҳамкорликка оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

BILASIZMI?

УЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЙЎҚ

Бугун ҳамнинг қўлида телефон. Ахборот олиш, биров чалғиш, бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмаслик учун ҳам қиладиган биринчи ишимиз – ижтимоий тармоқларга назар солиш. Ҳар куни муҳокама учун бир қанча мавзудан топилади.

Жонига қасд қилганлар, қийноқ остида қолганлар, эрта турмуш, эрта туғуруқ ҳақида кўп гапирмиш, тинмай муҳокама қиламиз. Лекин касаллиги сабаб дискриминацияга учраган бемор инсонларнинг муаммолари деярли эътибордан четда қолиб кетибди. Қанчалик хунук ва қўпол эшитилмасин, халқ орасида “пес, мохов бўлгур”, деган ибора яшаб келяпти. Одамлар бу сўзларни кўр-кўрона қарғиш иборасига айлантириб олишган. Гўё шундай деса бор аламиндан чиқади, газабидан тушади. Балки, шундай бўлар.

Жаҳл келганда ақл кетади, лекин аламиндан чиқиш учун, албатта, бу хасталикни тилга олиш, уларга бўлган умумий муносабатга таъсир ўтказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки, бундай қарғишни эшитган одам, табиийки, пес ва мохов касаллигига умумий қарайди, улардан ҳайиқади, ҳатто жирканади.



БУ КАСАЛЛИКЛАР ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ШУНЧАЛИК ХАВФЛИМИ?

Витилиго, яъни пес билан мохов касаллигининг фарқи нимада?

Моховларни азал-азалдан қора дўппиллар, дейишган. Сабаби, улар қош-киприкларни тўкилиб кетганини кўрсатмаслик учун доим дўппи кийиб, юзларини ёпиб юришган. Мохов касаллигида сочдан бошқа ҳамма туқлар тўкилиб кетади. Қош-киприклар қолмайди. Бу касалликка чалинган беморлар офриқни ҳис этишмайди, куйиш, бехосдан тананинг бирор жойига тигли нарса кириб кетиши ҳам уларга сезилмас экан. Асаб тизими зарарланади.

Мохов касаллигига чалинган инсонларнинг суратига кўзингиз тушган бўлса, уларнинг оёқлари кесиб ташланган ёки бармоқлари йўқ, нуқсонлари кўп бўлади. Булар фақат касалликдан эмас. Юқорида айтганимдек, улар на исқини, на совуқни, офриқни сезмаганликларини учун ҳам ўзлари сезмаган ҳолатда куйиб ўтираверишган ёки қишнинг изгиринида ҳам совуқ ўтмаган уларга. Шунинг учун ҳам моховларнинг кўриниши биров ёқимсиз бўлган. Шамолласа, асорати қолиб кетган. Аммо бу уларга жирканиб қараш, кўрқиб учун мутлақо асос эмас.

ТАРИХГА НАЗАР

Бу касаллик асрлар мобайнида дунёда миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритган. Соғлом инсонлар уларнинг ёнига келиш у ёқда турсин, ҳатто яшаб турган жойларидан қувғин қилишган. Фақат беморни эмас, унинг қариндошларини ҳам ҳайдашган. Оқибатда ҳар бир давлатнинг чекка жойларида моховхоналар қурилган. Моховлар эса бир умр фарзандлари, оиласи, ота-онасидан узоқда, ёлғизликда моховхоналарда тутқунликда яшаган. Қанчадан қанчаси ўша ерларда ном-нишонсиз ўлиб кетган. Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб эса бутун дунёда моховларни мутлақо янгича услубда даволаш бошланган. Натижада касал-

лик кескин камайган ва кўплаб давлатларда моховхоналар ёпилган. Кейинчалик беморлар яшаш жойларида амбулатор усулда даволашни бошлашган.

МОХОВ КАСАЛЛИГИ РАҚАМЛАРДА

Маълумотларга кўра, Ҳиндистонда йилига 100 мингга яқин бемор аниқланади. Бразилияда 65 мингдан ортиқ, Индонезияда эса 33 мингдан ортиқ беморлар рўйхатга олинади. Бангладешда бу кўрсаткич 13 мингдан ошади. Мянмада ҳам рақамлар катта – 18 мингдан ортади. Ўзбекистонда эса бу рақам нолга тенг. Яъни, бугун Ўзбекистонда моховлар йўқ. Анча йиллар аввал мавжуд бўлган моховхона ҳам ёпилиб кетган. Моховлар йўқ, моховхона йўқ, лекин улар ҳақидаги афсоналар, кўрқув, энг ёмони, касалликни бошқа бир касаллик билан адаштириш ҳолати бор.

Самарқанднинг Булунгур туманида 1931 йилдан то 2006 йилгача даврда 75 йил давомида лепразория, яъни моховхона бўлган. У вақтларда моховнинг махсус давоси бўлмагани учун беморларни моховхоналарда изоляция қилиш касалликни олдини олишнинг ягона чораси бўлган. Яъни, беморларни топиш ва уларни изоляция қилиш билан чекланган. Ўша вақтларда касалликка ташхис қўйишдаги хатоликлар, маҳаллий табиоларнинг мохов билан витилигони фарқлай олмагани жуда кўп чалкашликларни келтириб чиқарган. Оқибатда витилиго, яъни пес мохов билан аралаштириб юборилган. Масалан, Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги “Чоркўл” қишлоғи махсус текширилганда мохов, деб ташхис қўйилган 53 нафар беморнинг атиги бир нафари мохов бўлиб чиққан, қолганлари витилигога чалинган бўлган ва улар ўзлари билмаган ҳолда моховхоналарда яқинларидан бир умрга айрилиб яшашган. Минг афсуски, бу жараён асрлар мобайнида давом этган. Демак, ўша даврларда ҳам яқинларидан айрилиб моховхонада яшаган инсонларнинг ҳаммаси ҳам мохов бўл-

маган. Касалликка нотўғри ташхис қўйилган.

ВИТИЛИГО - МОХОВ ЭМАС!

Азалдан халқимиз витилиго, яъни пес касаллиги билан моховни бир-биридан ажратолмай келади. Тиббиётни умуман тушунмайдиган одам тананинг бирон каттароқ қисмида оқ доғ кўрса, уни мохов экан, дейди. Витилиго, яъни пес оддий косметик нуқсон. Терининг нуқсонли. Бор-йўғи шу ва у юқмайди. Мохов ҳам сизу биз ўйлаганимиздек даҳшатли эмас. Юқанидан кейин ҳам 3-5 йилдан 30 йилгача бўлган муддатда дастлабки белгиларини билиш мумкин экан. Ўзбекистон эса бу хатардан холи мамлакат.

ВИТИЛИГО ЮҚУМЛИ ЭМАС!

Анча йиллар аввал бу касаллик билан курашиб, ушбу хасталик устида изланиб, тадқиқотлар олиб борган ва беморларни даволаган олим, профессор Эгамберди Эшбоевнинг айтишича, витилигодаги доғ билан моховдаги доғ бир-биридан фарқ қилади. Мохов касаллигида доғлар терининг рангидан бирозгина фарқ қилса, витилигода эса доғлар терининг рангидан кескин ажралиб туради. Терисида оқ доғи бор инсонлар офриқни сезади, туқлари тўқилмайди. Энг муҳими, бу доғлар умуман юқумли эмас.

Энг муҳими, моховнинг ҳам юқуш хавфи жудаям паст. Бир умр, бир том остида, бирга яшаган инсонларда ҳам бетобдан касаллик юқуш ҳолатлари учрамаган. Бу практикада неча бор исботини топган. Бунинг устига профессор Эшбоевнинг айтишича, энг охири мохов 2009 йилда оламдан ўтган. Шу вақтгача бирор марта тиббиёт муассасасига бу хасталик бўйича шикоят келиб тушмаган. Мохов тағтуги билан йўқ қилинган касаллик сирасига киради.

УЛАР ЭНДИ “БОРСА-КЕЛМАСГА” ЮБОРИЛМАЙДИ

Профессор 2 та касалликнинг бир-бирига умуман боғлиқ эмаслиги, иккисининг ҳам давоси борлиги ва моховхоналарда бир умр тутқунликда яшаб ўтган беморлар хотирасига бағишлаб 2 та китоб ёзган. Бири “Ҳаётга қайтиш”, иккинчиси эса “Улар энди “борса келмас”га юборилмайди”.

Китобларни ўқиб чиқиб, моховлар ва мохов касаллиги тўғрисида айтиладиган жуда кўп фикрлар афсона эканини билиш мумкин. Профессорнинг китобда ёзишича, унинг юқуш даражаси ҳам паст ва шу вақтгача дунёда моховхоналарда ишлаётган бирон бир шифокор ёки хизматчи касалликка чалинмаган. Асарларнинг эътиборли томони шундаки, профессор кўрган-кечирганларини бадийлаштириб, қўлланганимиз асл мазмунини баён қила олган.

Илмий маълумотларни муаллиф содда, тушунарли қилиб изоҳлаган. Китобхонларга касалликнинг юқуши ёки аксинча юқмаслик сабабларини аниқ далиллар билан оммага тушунтириб берган. Унга мохов билан касалликнинг дунё халқлари орасида қандай кечган хозирги кунда эпидемиологик аҳвол қандай экани тўғрисида аниқ маълумотлар жойланган. Юқорида тилга олинган муаммолар, касалликни бир-биридан фарқлай олмаслик, хасталанган инсонларнинг шаъни, обрўсига таъсир қиладиган ҳаракатлар ёки сўзларни айтиш, уларнинг дискриминацияга сабаб бўлиши ва ҳоказо.

Билиб қўйиш, ўқиш зиён қилмайди. Пес ва мохов ўтмишдаги хасталиқлар бўлиб хотиралар ва китобларда қолса ҳам майли.

Нигора ҲАСАНОВА,
шарҳловчи.



КОРЕЯДА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Корея Республикасида ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун Тошкент шаҳрида ўтказилаётган EPS-Torik тест имтиҳонлари жараёнида журналист ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-турда маълумот берилишича, Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида имзоланган меморандумга асосан, мамлакатимиз фуқароларига малака талаб этилмайдиган E-9 ишчи визаси бўйича ушбу давлатда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби белгиланган. Мазкур виза орқали фуқаролар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этилади. Ўтган 2022 йилда E-9 визаси билан 4901 киши ташкилий тарзда жўнатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич 1800 дан ошди.

Кореяда ишлаш учун 2023 йил 6-9 февраль кунлари онлайн рўйхатдан ўтган 24 минг 942 нафар номзоднинг биринчи гуруҳи учун “EPS-Torik” тести 14 мартдан 7 апрелгача бўлиб ўтган эди. Иккинчи гуруҳ учун Корея Республикаси Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан, 13 апрель куни бошланган имтиҳон 2 июн гача давом этади. Шунингдек, 2-3 май кунлари яна 4729 нафар фуқаромиз онлайн рўйхатдан ўтди.

Имтиҳон шаффоф, ҳаққоний ва холислик тамойили асосида ўтказилапти. Корея томонидан қўйилган талаблар ҳақида бир неча марта огоҳлантирилишига қарамай, тартибни бузиш, хусусан, имтиҳонга электрон восита, шпаргалка олиб киришга уриниш ҳолатлари ҳам учраяпти. Жорий йил имтиҳон бошлангандан буюн “EPS-Torik” имтиҳони тартибига риоя қилмаган 100 нафарга яқин номзод тестдан четлатилган.

– Юртдошларимиз Корея Республикасига ишга бориши учун ушбу давлат томонидан муайян талаблар қўйилган, – дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги матбуот котиби Ортиқхўжа Норов. – Бу шартлар Ўзбекистон сингари яна 16 ишчи кучи етказиб берувчи давлат учун бир хил. Корея билан меҳнат миграцияси бўйича муносабат анча йил олдин йўлга қўйилган. Ҳозир 18-40 ёшли фуқароларимиз имтиҳонда қатнашапти. Ким юқори натижа қўлга киритса, ушбу давлатга бориб ишлаши мумкин. Бунинг учун фуқародан, аввало, корей тилини етарли даражада билиш талаб этилади. Шунингдек, агентлик ходимлари ишга юборилаётган ҳар бир фуқарони Кореяда иш, яшаб жойи билан таъминлашни, турмуш шароитини назорат қилиб, мониторинг олиб боради.

Тест Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан баҳоланади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган фуқаролар рўйхати ушбу хизмат ҳамда агентлик веб-сайтида эълон қилинади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Корея томонидан хорижий, жумладан, Ўзбекистон фуқароларини ишга жалб қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш учун EPS.GO.KR веб-сайтида ҳар бир номзодга шахсий кабинет очилган. Мазкур саҳифа орқали фуқаро тўғрисидаги маълумот, яъни синовдан ўтиш бали, сўровнома жавоби батафсил ёритиб борилади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш мақсадида қатор давлатлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, ўтган йил илк бор Буюк Британияга 400 нафар ишчи юборилди. Бундан ташқари, хорижда ишлаш истаги бўлган фуқароларимиз Германия, Туркия, Руминия, Японияга ҳам юборилмоқда.

Тоштемир МУРОД.

“Ўзбекистон овози” газетаси тахририяти жамоаси таниқли журналист Нурали Ориповга онаси **Раъно ТУРСУНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви ва жамоаси банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Ғафуровга падари бузруквори **МИРЗАРАСУЛ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАМКОРИМИЗ

ИЧИМЛИК СУВИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Барчамизга маълумки, аҳолининг ёз фаслида ичимлик сувига бўлган талаб янада ортади. Шу боисдан аҳолига ичимлик сувининг узлуқсиз етказилиши, кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилаш борасида бугунги кунда “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан қандай амалий ишлар олиб борилаётгани ва ўз навбатида сув таъминоти корхоналарини айна вақтда қандай муаммолар қийнаётгани тўғрисида “Ўзсувтаъминот” АЖ ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродовнинг фикри билан қизиқдик.

– Бугунги кунда сув таъминоти корхоналари томонидан 4 ярим миллион нафар истеъмолчига хизмат кўрсатиб келинаётганлигини ҳисобга олсак, истеъмолчиларнинг 2,5 миллион ёки 56 фоизда кўрсатилган хизматлар бўйича қарздорлик мавжуд, – дейди Акмал Муродов. – Маълумотларга кўра, қарздор истеъмолчиларнинг 2,2 миллион нафари ёки 89,1 фоизи 1 миллион сўмгача, 244 минг нафари ёки 9,9 фоизи 1 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача, 24 минг таси ёки 1 фоизи 5 миллион сўмдан юқори қарздорликка эга. Бу ҳам етмагандики, аҳоли томонидан ичимлик сув тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ҳолатлари ҳам кўпайиши кузатишмоқда. Бу эса ўз навбатида ичимлик сувининг аҳолига бир меъёрга тақсимланишига, босимнинг пасайишига ва норозиликнинг кучайишига олиб келяпти.

Бундан ташқари, бугунги кунда юқори қарздорликка эга истеъмолчилар билан ишлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, уларга огоҳлантириш хатлари юборилган



ҳолда тармоқдан узишгача бўлган чоралар кўришмоқда. Шунинг илоҳида ҳолда “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси С.Саифназаровнинг тегишли топшириғига асосан республика ҳудудларида маҳаллий ҳокимлик вакиллари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, бошқа ҳамкор ташкилот ходимлари билан биргаликда ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўрганиш, уларга қонуний чора кўрилиши юзасидан назорат-рейд тадбирлари ташкиллаштирилган.

Хусусан, олиб борилган рейд тадбирлари натижасида бугунги кунга қадар 1 055 та ичимлик ва оқова сув тизимларига ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланган бўлса, бунинг натижасида 3 миллиард 880 миллион сўм зарар етказилган. Аниқланган қонун бузарлик ҳолатларининг 260 таси юридик ташкилотлар ҳиссасига, 795 таси эса жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади. Маълумки, қонунчилигимизда истеъмолчиларнинг ичимлик сув таъминоти

ва сув чиқариш хизмати учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар кейинги ой учун 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаши лозимлиги белгиланган.

Аммо айрим истеъмолчилар томонидан қонунчиликка бирдек амал қилинаётгани сабабли республикада истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги тобора ошиб бормоқда. Рақамларга мурожаат қилинадиган бўлса, бугунги кунда бу миқдор 1 триллион 363 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Шундан 1 триллион 140 миллиард сўм аҳоли ҳиссасига тўғри келса, 223 миллиард сўм миқдордаги дебитор қарздорлик юридик ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Яна шуни таъкидлашимиз лозимки, сув таъминоти корхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳолига бевосита таъсир кўрсатаётган дебитор қарздорлик ҳолатларини қисқартириш учун қонуний чоралар кўришмоқда. Жумладан, жорий йил 12 май ҳолатида дебитор қарздорликни ундириш мақсадида 3 347 та фуқарога нисбатан 14 миллиард 838 миллион сўмлик зарар ундирилиши бўйича судга даъво

аризалари киритилган бўлиб, жами 2 923 кишига нисбатан 7 миллиард 751 миллион сўмлик етказилган зарар ундирилиши тўғрисида суд қарори қабул қилинган.

Бундан ташқари, «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий сув таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчилар орасида тўлов интизомини яхшилашга қаратилган кенг қўлламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамадсан, республикада истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги тобора ошиб бормоқда ва бугунги кунда 1,36 триллион сўмни ташкил этмоқда. Шундан жисмоний истеъмолчиларнинг қарздорлиги 1,13 триллион сўмни ташкил этса, 224 миллиард сўмлик қарздорлик юридик истеъмолчиларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Мисол учун, қарздорлик миқдори энг юқори бўлган ҳудудлар Тошкент шаҳри 256 миллиард, Андижон вилояти 153 миллиард ва Тошкент вилояти 147 миллиард сўмларни ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги ҳолатларнинг ижобий ечими аввало аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини янада ошириш, ичимлик суви таъминотининг бир маромда тақсимланиши, марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш қамровининг янада кенгайтиришга олиб келади. Қолаверса, барчамизнинг ичимлик сувида оқилона фойдаланишимиз ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишимиз ташкилот моддий-техник базасининг яхшиланиши ҳамда соҳада меҳнат қилаётган ходимлар ойлик маошларининг ўз вақтида етказилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЭЪТИБОРЛИЛАРГА РАҲМАТ!

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНING 2023 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬ, 14-СОНИДА "ВАЗИРЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!" САРЛАВҲАСИ ОСТИДА ТАҲРИРИЯТИМИЗГА КЕЛГАН ШИКОЯТ, АРИЗА ВА МУРОЖААТЛАРИНИНГ ҚИСҚА МАЗМУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИБ, МАСЪУЛ ВАЗИРЛИКЛАРГА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛГАНДИ. БАРАКА ТОПИШСИН, ВАЗИРЛИК-ИДОРЛАР ЖУДА МУҲИМ МАСАЛАГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШДИ, АЙРИМ МУРОЖААТЧИЛАР МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛГАНИ ҲАҚИДА ТАҲРИРИЯТГА КЎНГИРОҚ ҚИЛИБ, МУТАСАДДИЛАРГА РАҲМАТЛАРИНИ АЙТИШДИ.

СУВ БЎЙИЧА 20 КИШИЛИК МУРОЖААТ

Хусусан, Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги "Саримой" қишлоғи "Дамба" МФЙ "Холис-нур" кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли, 20 га яқин пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар имзолаган Озод Самандаровнинг шикоят аризасида ичимлик ва томорқа учун сув йўқлиги айтилган эди.

Ушбу муурожаат бўйича (Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига раҳмат) "Хоразм сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти директори А.Қодиров номидан 2023 йил 4 май куни жавоб хати (тартиб рақами 370) келди. Унда, жумладан, шундай дейилган:

"Ҳолат мутахассислар томонидан ўрганилди. "Дамба" маҳалласига ичимлик сув тармоғи 2022 йилда тортилган бўлиб, айти кунларда ҳар бир хонадон ўз аризаси асосида мазкур тармоққа уланмоқда. Хусусан, Озод Самандаровнинг хонадонини ҳам марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Буни "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти вакилига ҳам телефон орқали суҳбат чоғида айтган..."

Телефон орқали суҳбат чоғида фуқаро буни тасдиқлади.

ТОМОРҚАГА СУВ БЎЙИЧА МУРОЖААТ

Аризада муурожаатчилар томорқа ерини суғориш учун ҳам оқар сув йўқлигини баён қилганлиги боис, Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Назаровдан 2023 йил 28 апрель куни (тартиб рақами 02/7-748) жавоб хати таҳририятга келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ишчи гуруҳ томонидан жойида бориб ўрганилганда, "Дамба" МФЙ аҳоли томорқа ер майдонлари "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятига қарашли "Томди" сув таъминоти билан таъминланган энергия хизмати корхонаси

орқали сув билан таъминлаб келинганлиги аниқланди. Ҳозирги кунда "Саримой" қишлоғи, "Дамба" МФЙ аҳоли томорқа ер майдонларини мунтазам сув билан таъминлаш ишлари "Саримой трансгегаравий" МЧЖ томонидан йўлга қўйилганлиги, бу ҳақда ишчи гуруҳ томонидан тузилган далолатномада ҳам келтириб ўтилганлигини маълум қиламиз".

Муурожаатчилар Сув хўжалиги, ҳудуддаги масъуллардан ҳар доим миннатдор бўлишида, деб умид қиламиз.

ПЕНСИЯ БЎЙИЧА МУРОЖААТ

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Навоий МФЙ 27-хонадонда истиқомат қилувчи пенсионер Турсунбой Жўрабоевнинг шикоят аризаси шундай бошланганди:

"1960 йилдан 2006 йилгача Мингбулок "Нефтьразведка" корхонасида ишчи бўлиб ишлаб пенсияга чиққанман. Яшаш манзилимдан узоқ бўлганлиги учун 12 соатлаб ишлаганман. Мен билан бирга ишлаган ҳамкасбларим 2023 йил январь ойидан бошлаб кўтарилган миқдорда пенсия олишмоқда. Эътирозим шуки, мен билан бирга ишлаган ҳамкасбларимнинг барчасини пенсияси кўтарилган. Аммо менинг пенсиям кўтарилмасдан қолиб кетган. Шунинг учун таҳририятдан нимага бундай бўлганлигини аниқлаштириб беришини илтимос қилиб қолардим..."

Ушбу муурожаатга жавобан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари З.Турсуннов 2023 йил 2 май куни (тартиб рақами 07-01349) кўйидагича жавоб йўллаган:

"... Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати Сизнинг "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририятига йўллаган муурожаатингизни ўрганиб чиқиб кўйидагиларни маълум қилади.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси давлат пенсия таъминотини ташкил этишида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия

таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ва пенсия таъминотида оид бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш олиб боради.

Ушбу Қонуннинг 7-моддасига асосан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Қонуннинг 12-моддаси "б" бандига асосан, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш кўни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, И қисми):

эркаклар — иш стажы камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — иш стажы камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда умумий ёши беш йилга қисқартирган ҳолда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади...

...Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун таянч миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан оширилади.

Мазкур модданинг 6-қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 19 сентябрдаги (УРҚ-791-сонли) Қонунига асосан ўзгартириш киритилган ва янги таҳрирга асосан 2023 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн икки бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинши белгиланган.

Шунга кўра, 2023 йил 1 январдан ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг (324 000 сўм) ўн бараваридан (3 240 000 сўм) юқори бўлган пенсия ишлари қайта ҳисобланган.

Сизга Наманган вилояти собиқ Ижтимоий таъминот Чортоқ туман бўлими томонидан 1995 йил 12 ноябрдан умумий 41 йил 9 ой иш стажы ҳисобидан имтиёзли (55 ёшда) ёшга доир пенсия тайинланган ва тўлаб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги (ПФ-128-сон) Фармонида асосан 2022 йил 1 майдан ўртача ойлик иш ҳақингиз 3 063 094,54 сўмни ташкил этиб, пенсия миқдори 2 174 797,13 сўмга қайта ҳисобланган.

Сизнинг ўртача ойлик иш ҳақингиз 3 063 094,54 сўмни ташкил этганлиги, бу эса пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг (324 000 сўм) ўн бараваридан (3

240 000 сўм) кам бўлганлиги сабабли 2023 йил 1 январдан қайта ҳисобланмаганлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги (ПФ-45-сонли) Фармонида асосан 2023 йил 1 апрелдан ўртача ойлик иш ҳақингиз 3 277 510,97 сўмни ташкил этиб, пенсия миқдори 2 327 032,97 сўмга етказилган. Пенсия жамғармаси ходимлари томонидан Сиз билан учрашув ўтказилиб, пенсия таъминотида оид қонун ҳужжатлари талаблари ва муурожаатингизда кўтарилган масала тўғрисида тушунтириш берилган."

Пенсионер Турсунбой Жўрабоев билан телефон орқали боғланганимизда юборган шикоят аризаси безътибор қолдирилмагани учун миннатдорлигини билдирди.

ЎҚИТУВЧИЛАРДАН МУРОЖААТ

Фарғона вилояти Риштон туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқитувчилари В.Турдиева, А.Қодирова ва С.Бозоровалардан келган муурожаатда умумтаълим фанларидан ўтказилаётган миллий сертификатлар учун тест синовлари тоифа тизимининг самарасиз эканини кўрсатаётгани, кўплаб олий ва 1-тоифали устозларнинг етарли балл тўплай олмаётганига гувоҳ бўлинаётгани, мазкур муаммога жиддий ёндашиш сўралган эди.

Мазкур масала бўйича Мактабга ва мактаб таълими вазирлигининг таълим сифатини баҳолаш, лицензиялаш ва аккредитациялаш департаменти директори С.Раджабовдан 2023 йил 5 май куни таҳририятга жавоб хати (тартиб рақами 01/14-300) келди. Унда шундай дейилади:

"...Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун)нинг 3-моддасида "жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ



Коррупцияга йўл қўйилмайди

номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган муурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон муурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма муурожаат – аноним муурожаат" – дейилиши ҳамда Қонуннинг 29-моддасида "аноним" деб топилган муурожаатлар кўриб чиқилмаслиги белгилаб қўйилган... Муурожаат қонун талаблари асосида аноним, деб топилди ва ўрганиб чиқилмади..."

Муурожаатлар ҳар хил мазмунда бўлади. Айрим муурожаатларда фуқаролар ўзлари муҳим деб билган, баъзида жони ачиган муаммолар ҳақида фикри, позициясини билдиради. Бу сўз ва фикр эркинлиги билан боғлиқ фундаментал ҳуқуқдир. Шунга асосан вазирлик танқидий фикрларга, тақлиф-мулоҳазаларга соғлом кўз билан қарашда давом этади, деб ўйлаймиз.

Таҳририят жамоаси номидан мутасадди вазирликларга раҳматлар айтиб қоламиз. Юртдошларимизнинг муурожаатлари ҳар доим эътиборимизда бўлишини яна бир бор эслатишдан мамнунмиз.

Таҳририят жамоаси.

ТУГИЛГАН КУНИНГ БИЛАН, УНИВЕРСИТЕТИМ!

"ШАҲСИЙ МУВАФФАҚИЯТДАН – УНИВЕРСИТЕТ МУВАФФАҚИЯТИ САРИ!"



ЎЗЖОКУ БИЛАН БИРИНЧИ ТАНИШУВИМ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА БЎЛГАН. УНИВЕРСИТЕТ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР УНГА ТАШРИФ БУЮРИБ, УНИНГ БОҒИ, ЎҚУВ ХОНАЛАРИДА ТУШГАН СУРАТЛАРИНИ ФАСЕВОҚДАГИ САҲИФАЛАРИГА ЖОЙЛАШГАНДИ. МЕН УЧУН ЖУДА ЖОЗИБАДОР ТУЮЛГАНДИ УНИВЕРСИТЕТ. ЎШАНДА БУ ДАРГОҲ МЕН УЧУН ҚАНДАЙ СИРЛИ, НОТАНИШ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ТУЮЛГАН БЎЛСА, ОРАДАН 5 ЙИЛ ЎТАР-ЎТМАС, ҲАЁТИМНИНГ, ОЛАМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ. ҲОЗИР БИР ОИЛАДАН УЧ ФАРЗАНД ЎЗЖОКУНИНГ ТОЛИБИ ИЛМЛАРИДАНМИЗ.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 2018 йил 24 майда ташкил этилган. Университетда бакалавр босқичи бўйича Халқаро журналистика, Интернет журналистика, Телерадио журналистика, Босма ва оммавий ахборот воситалари журналистикаси, Спорт журналистикаси, Ҳарбий журналистика йўналишлари мавжуд. Университет ҳозирда йўналишлар бўйича фақатгина журналистларни тайёрлаб қолмай, медиадизайнер, медиамаркетолог, PR мене-

жерлар ҳамда ахборот хизматлари учун ҳам кадрлар тайёрламоқда.

Университетда таҳсилни таянч докторант сифатида бошлаганимга эндигина 5 ой бўлганлиги боисми, ўтган 3-4 ой давомида жараённи кўпроқ четдан туриб кузатиш имконияти бўлди менда. Замонавий бинога кириб келарканман, шундай манзара кўз олдимдан ўтади: тоза ховли, тоза хоналар, асосий бинога киришим билан фақат шу ерни эслатадиган хид (қандайдир хушбўйлашти-

» СИЗНИ БУ ЕРДА РИВОЖЛАНТИРИШАДИ, ЎЗ ҲОЛИНГИЗГА ҚЎЙИБ ҚЎЙИШМАЙДИ. КЕМАГА ТУШГАННИНГ ЖОНИ БИР, ДЕРМИДИ?... АСЛИДА БУГҮН ЗАМОН ТАЛАБИ ҲАМ ШУ – ЎЗ УСТИДА ИШЛАГАН, ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРА ОЛГАН КАДРЛАРИГА ЖАМИЯТГА КЕРАК БЎЛА ОЛАДИ.

гичнинг майин ёқимли ҳиди), оқиш мрамрдан бўлганиданми тез-тез артиб туриладиган йўлақлар, хоналардаги замонавий жиҳозлар, парталарда компьютер қаршида ёки университет ховлисида очиқ осмон остида машғулот ўтаётган талабалар, бир қарасанг, 7 қаватдаги медиа мансардада, бир қарасанг, мажлислар залида ўтказиб туриладиган турли тадбирлар... хуллас, томирида қони жўшқин оқиб турган навқирон даргоҳ! Бу шижоатга тўла ҳаёт оёққа туриб, ўз йўлига тушиб кета олгунча қанча инсонлар меҳнати синган ва сингиб келмоқда. Бу дарёнинг ўзанига кичкина ирмоқ бўлиб эндигина қўшилган мен ҳам унинг тезкор оқимидан гоҳида тараддуланиб қоламан. Бу ерда тўхтаб туриш мумкин эмас!

Акам Синдорбек Каримов университетнинг сиртки бўлимида спорт журналистикаси бўйича таълим олади, синглим Шаҳноза Каримова телерадио журналистика йўналишида ўқиш билан бирга, "Ренессанс ТВ"да журналист сифатида фаолият юритиб келмоқда. Мен эса таянч докторантуранинг биринчи босқичида илмий раҳбарим – филологий фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Акбаров устозли-

гида миллий телеканалларимиз фаолиятини гендерология кесимида ўрганиб, тадқиқот олиб бормоқдаман. Илм соҳасига жиддий қадам қўйганимга ҳали кўп муддат ўтмаган бўлса-да, унинг нақадар масъулияти, кенг қамровли, айти пайтда изланувчидан доимий интизом, янгиликка интилувчанлик талаб этиладиган соҳа эканини англаб бораётганман.


Курсдошларимизнинг ҳам, биздан юқори курсда тадқиқот олиб борувчи докторантларнинг ҳам, умуман, университетда таҳсил олувчи талабаларнинг аксариятини кизлар, аёллар ташкил этади. Дарвоқе, тадқиқотим мавзуси гендер масалалари билан боғлиқ бўлганлиги сабаблимикин, айнан хотин-кизларнинг ижтимоий соҳалар, хусусан, таълимда фаолиги мени жуда хурсанд қилади. Гап фақат хурсанд бўлишда эмас, муҳими, бошлаган фаолиятимиз нафақат аёллар, балки жамиятимиз ривожу учун хизмат қилсин, деган холис ниятни кўнглимга муҳрлаганман.

Бир оиладан уч фарзанд шу университетда ўқиётган бўлса, демак, унга ўқишга кириш осон, деб ўйларсиз. Адашасиз. Балки, билимингиз етарли бўлса, абитуриентдан талабага айланиш осон ҳамдир, ammo таҳсилни бошлаганимдан бери англаганим шу бўлдики, дунёнинг барча замонавий ўқув юртларида хос бўлганидек ЎЗЖОКУда шунчаки ўқиш ҳеч ҳам осон эмас.

Сизни бу ерда ривожлантиришади, ўз ҳолингизга қўйиб қўйишмайди. Кемага тушганининг жони бир, дермиди?... Аслида бугун замон талаби ҳам шу – ўз устида ишлаган, ўзини ривожлантира олган кадрларига жамиятга керак бўла олади. Бу йил 24 майда ЎЗЖОКУ 5 ёшга тўлди. Аслида 5 ёш – натижалардан кўра орзу-умид ва мақсадлар ҳақида гапирса ярашадиган ёш. 5 ёш эгасига фақат яхши тилак билдириш мумкин. Шундай экан, кўнглимизга яхши ниятларни жамлаб, ривожланишда давом этамиз. Университетимиз шиорида айтиладигандек, "Шахсий муваффақиятдан – университет муваффақияти сари!"

Гулноза КАРИМОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 1-босқич таянч докторанти.

TAKLIF


t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi
facebook.com/uzbekistonovozi
instagram.com/uzbekiston_ovozi
info@uzbovozi.uz
www.uzbovozi.uz

Ижтимоий уй-жойлар

ҚУРИЛИШИ МУМКИНМИ?

ТОШКЕНТ. ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ БЎЛГАН БУ БОШ ШАҲАР НАФАҚАТ ЎЗ ГЎЗАЛЛИГИ, ЧИРОЙИ БИЛАН МАФТУН ЭТГАН, БАЛКИ ИМКОНИАТЛАРИ БИЛАН ҲАМ ОДАМЛАРНИ ОҲАНРАБОДАЙ ЎЗИГА ЧОРЛАБ КЕЛАДИ. ШУНДАН БЎЛСА, ҲАМИША КЎЧАЛАР ГАВЖУМ, ШОВҚИНЛИ. ДОИМ КИМДИР ҚАЁҚҚАДИР ШОШГАН, НИМА БИЛАНДИР БАНД. УМУМАН, ШАҲАР ТУНУ КУН ҲАРАКАТДА.



Ижтимоий уй: Минск (Беларусь)

Бугун пойтахтимизнинг доимий рўйхатда турувчи аҳолиснинг сонини ўртача 3 миллион, деб оладиган бўлса, вақтинча яшовчилар, талабалар, меҳмонлар, малака оширувчилар, туристлар билан бу рақам 4-5 миллионга қараб кетиши турган гап. Шунча одамнинг қорнини тўйдириш, уларга транспорт хизмат кўрсатиш, умуман, яшаш эҳтиёжларини қоплаб беришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Айниқса, бошпана масаласи бунда алоҳида аҳамият касб этади.

Сир эмаски, тошкентликларнинг ҳаммаси ҳам шахсий уй жойига эга эмас. Вақтинча яшовчилар ҳам. Шунинг учун ижара уйда яшашга эҳтиёж юзага келади.

Масалан, пойтахтимиз ҳамда вилоятларнинг маъмурий ва йирик sanoat марказлари жойлашган шаҳарларда ишловчи ходимларнинг аксарияти бошқа жойдан келган бўлади. Пойтахтга вилоятлар, вилоятларга эса туманлардан келиб ишловчи ходимлар салмоқли қисми ташкил этади. Натижада катта шаҳарларда ижарага эҳтиёж, табиийки, нарх ҳам ошиб кетади. Масалан, Тошкентдаги ижара нархлари ўтган йилда бирмунча ошиб кетди. Хонадоннинг шароити, жойлашган манзилига қараб ўртача 200-700 АҚШ доллари атрофида. Асосан 1 ва 2 хонали уйларга талаб юқори бўлгани учун бу иккиси ўртасидаги фарқ ҳам кўп катта эмас.

Иккинчи бир масала эса томонлар ўртасидаги келишув билан боғлиқ. Кўпинча ижара бериш ишлари ижара шартномасиз амалга ошириладигани сабабли ҳуқуқлар паймол бўлиши ҳолатлари учраб

тижорат банклари ёки бошқа маблағлар ҳисобидан кўп қаватли ижара уйлари қуриш тизими йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ. Бу ҳақда қатор фикр ва таклифлар бир неча йиллардан айтилмоқда.

Уларга кўра, ижтимоий ижара уйлари қуриш ва аҳолининг ойлик даромад миқдоридан келиб чиқиб, нарх белгиланган, деб эътироф этилади. Одатда бу кўрсаткич яшаш минимумига тенг бўлиб, ўз навбатида, мамлакат бўйлаб катта фарқ қилади.

1 кв. м майдонга қараб 9-32 рублни ташкил этди, тижорат ижараси эса "квадрат" учун 900 рублдан бошланади.

Мамлакат қонунчилигига кўра, фуқароларнинг даромадлари минтақада белгиланган даражадан ошмаса, кам таъминланган, деб эътироф этилади. Одатда бу кўрсаткич яшаш минимумига тенг бўлиб, ўз навбатида, мамлакат бўйлаб катта фарқ қилади.

Беларусь республикаси Уй-жой кодексига кўра, ижтимоий фойдаланиш учун мўлжалланган



Ижтимоий уй: Германия

Ижтимоий уй-жой - фуқароларга мулк ҳуқуқига эга бўлмаган уй-жой билан таъминланиш усули. Уй ёки квартиранинг эгаси давлат ёки муниципалитет ҳисобланади. Турли мамлакатларда ушбу тизимнинг ишлаши учун турли хил механизмлар мавжуд ва

турар жой бинолари - бу давлат уй-жой фондидан фойдаланиш учун тўлов олинмаган ҳолда бериладиган уйлар экани белгиланган. Яъни, давлат уй-жой фондидан ижтимоий фойдаланиш учун турар жой биноларини ижарага бериш шартномаси шартларига мувофиқ фуқароларга бериладиган давлат уй-жой фондидан типик истеъмол сифатига эга турар жой бинолари экани кўрсатилган. 2022 йилда Минскда бюджет маблағлари ҳисобидан умумий майдони 1,9 минг квадрат метр бўлган 44 та бир хонали ижтимоий квартиралар қурилди. Беларусда ижтимоий уй-жой фуқароларнинг айрим тоифалари томонидан мuddатсиз ижара шартномаси шартларида олиниши мумкин. (Минскдаги Шарангович - Горетский - Рафиев кўчалари чегараларида қурилган, 10 қаватли икки қиришли бино 80 хонадонга мўлжалланган.)

Агар сиз Германияда доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлсангиз ва сизнинг даромадингиз маълум даражадан ошмаса, у ҳолда сизда "ижтимоий" уй-жой деб аталадиган субсидия олиш имкони бор. Кўп одамлар ушбу турдаги уйга кўчиб ўтишни хоҳлашади. Шунинг учун баъзан ижтимоий уй-жой олиш учун ойлар ёки ҳатто йиллар керак бўлиши мумкин.

Буюк Британияда ижтимоий уйлар, аниқроғи, субсидияланган кенгаш уйлари - долзарб мавзу. Мухтожлар кўп ва уларга ёрдам бериш имкониятлари деярли ҳар доим кечикиб қолади. Ижтимоий уй-жой қурилиши ҳажмини ошириш талаби уни қурмоқчи бўлган ҳудудлар аҳолиснинг

Тошкент шаҳрида ҳамда вилоятларнинг маъмурий ва йирик sanoat марказлари жойлашган шаҳарларида тижорат банклари ёки бошқа маблағлар ҳисобидан кўп қаватли ижара уйлари қуриш тизими йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ.

муносабатлар ҳамда ҳуқуқлар Уй-жой, Шаҳарсозлик кодекслари, Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида, Ижара тўғрисида, Ипотека тўғрисидаги қонунлари доирасида амалга оширилади. Ушбу қонунчилик меъёрларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий муниципал уйлар қурилса ва аҳолига тақдим этилса, бошпана билан боғлиқ вазият янада барқарорлашади.

Жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида турар жой биноларини ижарага беришнинг энг кам ставкалари 1 кв/м учун ойига 17 минг сўм, нотурар жойлар учун эса 35 минг сўм этиб белгиланяпти. Ўтган йилга нисбатан ставка 10 фоизга ошяпти.

Масалан, 60 квадрат майдонга эга хонадонни 1 млн 20 минг сўмдан (60 x 17 000) арзон нархга расман ижарага бериб бўлмайди. Ижара шартномасидаги сумма ижарага беришнинг даромадини солиққа тортишда ҳисобга олинади (даромад солигининг ставкаси - 12 фоиз). Бугунги кунда Тошкентда тахминан 1 миллион одам ижара уйларида яшайди, дейлик. Ҳар 4 киши битта уйда турса, бунинг учун тахминан 250 мингта квартира керак бўлади. Уларнинг ҳар бирини 40 квадрат деб ҳисобланса, улардан олинмаган солиқ миқдори ўртача 20 миллиард сўмни ташкил қилади ва бу бир ойлик миқдор.

Агар ушбу сумманинг бир қисми ижтимоий уйлари қуриш учун ажратилса, яқин йилларда пойтахтимизда ижарага уй топиш билан боғлиқ муаммоларга барҳам берилади. Мухими, топган даромадининг катта қисми, ҳаттоки яри ижара учун сарфлаётган фуқароларнинг ҳаётдан розилиги ошади, янги режалар ҳақида ўйлайди, тиниқ фикрлар, ташаббуслар туғилади.

Яна бир жиҳати, ижарада турувчилар ушбу ижара уйлари фойдаланишга топширган тижорат банкларида ўз ҳисоб рақамларини очишади ва ушбу



Ижтимоий уй: Москва (Россия)

норозилигига ва қурувчилар томонидан сокин "саботаж"га дуч келмоқда. Шунга қарамай, ижтимоий уй-жой масалаларини муҳокама қилиш кўпинча секин цензурага дучор бўлади. Шунга қарамай, ҳуқуқат ушбу муаммага барчани рози қиладиган ечим топишга уриниб келмоқда.

Бугун бизнинг юртимизда ҳам ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатламини уйли қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани рост. Бунинг натижасида юзлаб ёшлар, минглаб опа-сингилларимиз ўз бошпанасига, узоқ йиллик орзуларига эришди. Аммо арзонлаштирилган шаклдаги ижара уйлари ҳам эҳтиёж мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Мазкур турдаги

ҳисоб рақамига ўзи ҳоҳлаган шаклда ижара пулини ўтказиш имконига эга бўлади. Шунингдек, ўзи фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлардаги ойлик маошдан мунтазам равишда ижара тўловини тўлаши ҳам мумкин. Уй-жойларнинг ҳам арзонлаштирилган, ҳам исталган тўлов услубида ижарага берилиши натижасида нақд пул билан боғлиқ масалалар, кўплаб иқтисодий-ижтимоий, демографик ва кадрлар муаммолари ҳам ҳал самарали этилади, деган ҳулосалар билдирилади.

Умуман, ижтимоий уй-жойлар ҳақида турли фикрлар, ҳар хил муносабат, турли давлатларда турлича ёндашув бор. Мамлакатимизда бу борада қандай йўл тутилишини вақт кўрсатадиганга ўхшайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.



Ижтимоий уй: Лентон, Ноттингем (Буюк Британия)

туради. Масалан, ижарага олувчи ижара тўловини ўзи хоҳлаган шаклда нақд пул, пластик карта ҳамда пул ўтказиш орқали амалга ошира ололмайди. Ёхуд уй эгаси уни исталган пайтда чиқариб юбориши, нархни ошириши каби ноҳақликлар ҳам йўқ эмас.

Шулар инobatга олинган ҳолда, **Тошкент шаҳрида ҳамда вилоятларнинг маъмурий ва йирик sanoat марказлари жойлашган шаҳарларида**

асосий фарқлар фуқароларни ушбу турдаги уй-жой билан таъминлаш сабаблари рўйхатида ётади. Бундан ташқари, нарх белгиланган, шартнома шартларига ва бошқа жиҳатларга ёндашув сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. **Ижтимоий уй-жойлар фуқароларга бозор нархидан бир ёки икки баравар паст нархда ижарага берилади.**

Мисол учун, Россия пойтахти Москва шаҳрида 2022 йилда

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 536. 7006 nusxada bosildi. O'za yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:50

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

